

## **МАККАЖҮХОРИ ЭКИННИИ ЕТИШТИРИШДА МАИШИЙ ОҚОВА СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ.**

3. З. Ҳакимова

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти Миллий тадқиқот университети. Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти. “Умумтехника фанлар” кафедраси

в.б. доценти, қ.х.ф.ф.д.

(zarina\_khakimova90@mail.ru)

Раджабова Маҳлиё Махмудовна

"Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш мұхандислари институти" миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Гидрология ва экология кафедраси ассисенти

Эшпулатов Журабек Мансурович

Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш мұхандислари институти" миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти талабаси

Ражабов Охунжон

Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш мұхандислари институти" миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти талабаси

### **Аннотация:**

Бухоро шаҳридан чиқадиган майший оқова сувларида маккажүхори (силос) экинини суғориш тартибларини ишлаб чиқишида 2 йиллик илмий – амалий тадқиқот ишлари олиб борилиб, натижалари ёритилган. Суғориш олди тупроқ намлиги чегаравий дала нам сифимиға нисбатан 70-70% тартибда аллювиал-ўтлоқи тупроқларида мавсумий суғориш биринчи йили  $2725 \text{ m}^3/\text{га}$ , суғоришлар сони 4 маротабани, иккинчи йили мавсумий суғориш меъёри  $3358 \text{ m}^3/\text{га}$ , суғоришлар сони 5 маротабани ташкил этган бўлса, суғориш олди тупроқ намлиги чегаравий дала нам сифимиға нисбатан 70-80% тартибда биринчи турғун йили мавсумий суғориш меъёри  $2816 \text{ m}^3/\text{га}$ , суғоришлар сони 5 маротабани, иккинчи йили



мавсумий суғориш меъёри 3449 м<sup>3</sup>/га, суғоришилар сони 6 маротабани ташкил қилди.

**Калит сўзлар:** оқова сувлар, ҳажм массаси, солишиштирма массаси, суғориш режими (меъёри), мавсумий суғориш, ҳосилдорлик, маккажүхори (силос).

## **Кириш**

Академик В.Р.Вилямс томонидан оламшумул қонун яратилган бўлиб, бу куйидагича таърифланади: - Ўсимликларнинг яшаш шароитларига: ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, сув ва озуқа моддалари киради. Ёруғлик, иссиқлик, ҳаво космик (коинот) омиллари ҳисобланади ва нисбатан инсон томонидан бошқарилади. Сув ва озиқа моддалари ўсимликка тупроқ орқали ўтади ҳамда инсон меҳнати, билими натижасида парваришилаб етиштириллади. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун асосан доимий сув, озиқа моддалар билан бутун амал даврида таъминланиб турилиши лозим. Қишлоқ хўжалик экин турларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда Ўзбекистон худудида 1 гектар ерга ишлов беришда 12-14 минг м<sup>3</sup> сув сарфланади. [8]

Республикамизнинг кўплаб худудларида натрий, магний, калий, сульфат ҳамда хлорли тузлари кенг тарқалган. Бухоро вилоятининг 86% худудлари турли даражада шўрланган. Тупроқ таркибида хлорли, сульфатли, карбонатли, натрийли тузларни аниқлашимиз мумкин. Вилоядта сув манбаси Амударёдан машина каналлари орқали етказилади. Бир йилда Амударё чегарасидан 4000 млн м<sup>3</sup> микдорида сув олинади. Дала майдонидан ер ости сизот сувлари йилига 2121 млн м<sup>3</sup> ни ташкил қилиб коллектор – зовурлар орқали чиқарилиб юборилади. Корхоналар-ташкилотлардан ва аҳолидан чиқадиган сув тўғри қайта тозалаш иншоотига бориб тушади. Ушбу оқова сувлар тўлиқ тозаланиб сўнг коллектор – зовур тизимлари орқали катта кўлларга, кўлдан яна қайта дарёларга бориб тушади. Тозалаш иншоотига Бухоро шаҳридан чиқадиган майший чиқинди сувлари соатига 1250 м<sup>3</sup> микдорига teng. Бу кўрсаткич 1 суткада эса ўртача 25-30 минг м<sup>3</sup> ни ташкил қилмоқда, ваҳоланки оқова сувлар таркибида заарли моддалар билан биргаликда бир қанча фойдали моддалар ҳам мавжуддир.



## **Метод**

Сув тақчилл бўлган худудларда суғориш учун бериладиган сув олтин билан баробардир. Йил мобайнида тозалаш иншоотидан млрдлаб кубометр сувлар кўлларга ва дарёларга чиқариб юборилади. Бухоро шахридаги тозалаш иншоотига фақатгина халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондиришдан чиқадиган сувлар келиб тушмоқда. Шаҳарда саноаткорхоналар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари мавжуд эмаслиги сабабли оқова сувлар таркибида заарли, кимёвий элементлар ҳамда заарли токсинлар мавжуд эмас. Илмий текшириш ишлар 2020 - 2021 йилларда Бухоро тумани “Зарманоқ” МФЙга қарашли шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида олиб борилди. Тажриба майдонида чорва моллари учун озуқа сифатида қишлоқ хўжалиги экин турларидан маккажўхори (силос)нинг “Ўзбекистон – 400 БЛ” нави танланиб етиштирилди. Худуднинг ер ости сизот сувлари ўртача йиллик 2.0-2.5 м да жойлашган. Олдимизга қўйилган вазифага биноан дала ишларимизга 4 та вариант танланиб олинди: Маккажўхори (силос)ни суғоришдан аввал тупроқнинг чегаравий дала намлиги сифими % ҳисобида қўйидагича аниқланди:

- |                    |                    |
|--------------------|--------------------|
| 1) назорат 70-70 % | 3) назорат 70-80%; |
| 2) 70-70 %         | 4) 70-80 %;        |

Суғориш меъёрини ҳажм массаси бўйича С.Н.Рижов формуласига асосланиб қўйидагича ҳисобланади.

$$M = (W_n - W_m) * 100 * d * h + k \text{ м}^3/\text{га};$$

бунда,  $M$  – мавсумий суғориш меъёри,  $\text{м}^3/\text{га}$ ;  $W_n$  – тупроқ оғирлигига нисбатан дала нам сифими (%),  $W_m$  – сув олди тупроқ намлиги (%),  $d$  – тупроқнинг ҳажм оғирлиги ( $\text{г}/\text{см}^3$ ),  $h$  – ҳисобий қатлам қиймати (м),  $k$  – суғоришда буғланишга сарфланган сув ( $\text{м}^3/\text{га}$ , намлик танқислигининг 10 %и) [3,4,6].

Суғориш нормасини ишлаб чиқишида маккажўхори (силос)ни униб чиқишидан то султон (бошоқ) чиқаргунгача тупроқнинг фаол қатлами 0-60 см, сўнг бутун амал даври давомида 0-100 см (ассан илдиз қатлами) ҳисобга олинади. Тажриба ишлари такроран 4 маротабада амалга оширилди. Эгатларнинг узунлиги 60 метр, эни 2.40 м (4 қатор 60 см дан), 144  $\text{м}^2$  дан иборат делянкалар ташкил этилди.



**1-жадвал Маккажүхори (силос) экин майдонидаги ЧДНСГа  
асосланиб сүгориш тартиби түғрисидаги маълумот.**

Вариантлар	Кўрсаткичлар	Йиллар	Сүгоришлар сони						Жами сүгориш меъёри ва сүгоришлар схемаси:
			1	2	3	4	5	6	
ЧДНСГа нисбатан 70-70 % бўлганда маккажүхорини ўғитлаб оқова сув билан сүгориш. (назорат варианти) ва ЧДНСГа нисбатан 70-70 % бўлганда маккажүхорини оқова сув билан сүгориш	сүгоришдан олдинги намлиқ, (%)	2020	72	69	70	69			
		2021	71	70	68	70	72		
	сүгориш муддати, сана	2020	3.V	28.V	20.VI	14.VII			2-2
		2021	25.IV	21.V	15.VI	10.VII	3.VIII		2-3
	сүгориш оралиги, кун	2020	0	25	23	24	24		
		2021	0	26	25	25	18		
	сүгориш меъёри ( $m^3/га$ )	2020	641	702	680	702			2725
		2021	679	686	666	686	641		3358
	сүгориш давомийлиги (соат)	2020	8	9	8	9			
		2021	9	9	9	9	9		
ЧДНСГа нисбатан 70-80 % бўлганда маккажүхорини ўғитлаб оқова сув билан сүгориш. (назорат варианти) ва ЧДНСГа нисбатан 70-80 % бўлганда маккажүхорини оқова сув билан сүгориш	сүгоришдан олдинги намлиқ, (%)	2020	72	69	75	80	80		
		2021	72	72	73	73	80	80	
	сүгориш муддати, сана	2020	28.IV	15.V	1.VI	20.VI	19.VII		2-3
		2021	20.IV	10.V	29.V	17.VI	7.VII	27.VII	2-4
	сүгориш оралиги, кун	2020	0	18	17	19	17		
		2021	0	20	19	18	19	20	
	сүгориш меъёри ( $m^3/га$ )	2020	641	702	567	453	453		2816
		2021	656	641	618	618	458	458	3449
	сүгориш давомийлиги (соат)	2020	8	9	7	7	7		
		2021	9	8	9	9	7	7	

Тажрибага кўра ўзлаштирилмаган ер бўлиб, один бу ерда дехқончилик ишлари амалга оширилмаган. Сув сарфини ҳисоблашда барча вариантларда қатор бошида остонаси 25 смли Чиполетти сув ўлчагичи ўрнатилган. Мавсумий сүгориш илк йили сүгориш олди тупроқ намлиги чегаравий дала нам сифимиға нисбатан 70-70 % тартибида оқова сув билан сүгориш ва ўғитлаб оқова сув билан сүгориш варианtlарида 2725  $m^3/га$ , ўртacha сүгориш меъёри 545  $m^3/га$ , сүгориш схемаси эса 2-2 ни сүгоришлар сони 4 маротабани; иккинчи йили сүгориш 3358  $m^3/га$ , ўртacha сүгориш меъёри 672  $m^3/га$ , сүгориш сони 5-маротабани, сүгориш схемаси 2-3 ни ташкил қилган бўлса, Сүгориш олди тупроқ намлиги чегаравий дала нам сифимиға нисбатан 70-80 % тартибида оқова сув билан сүгориш ва ўғитлаб оқова сув билан сүгориш варианtlарида мавсумий сүгориш меъёри

биринчи йили 2816 м<sup>3</sup>/га, ўртача суғориш меъёри 563 м<sup>3</sup>/га, суғориш схемаси эса 2-3 ни суғоришилар сони 5 маротабани; иккинчи йили суғориш 3449 м<sup>3</sup>/га, ўртача суғориш меъёри 575 м<sup>3</sup>/гани, суғориш сони 6-маротабани, суғориш схемаси 2-4 ни ташкил қилган. Суғоришилар орасмидаги фарқнинг асосий сабаби оқова сувларнинг таркибидағи ўғитлар тупроқнинг унумдорлигини, хажм массасини, оғирлигини ва ғоваклигини ўзгартирган.

Тажриба вариантини суғоришда оқова сувлардан фойдаланилғанлиги сабабли ерга ортиқча озиқлантириш ишлари амалга оширилмади ва кимёвий – маҳаллий ўғитларга зарурат бўлмади. Маккажӯхори (силос)дан кўзланган ҳосилдорликка эришилди. Тажриба даврида ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам ўрганилиб борилди. Ер ости сизот сувлари ҳар декадада кузатилиб уларнинг таркиблари ҳам таҳлил қилинди. Тажриба ҳудуди яна қайта ўрганилиб чиқилди ва тупроқдаги гумус микдорининг ошганлиги кузатилди. Тажриба натижаларидан аниқлашимиз мумкин оқова сувларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш қўшимча сувларни иқтисод қилишга олиб келмоқда.

## **Хулоса**

қилиб айтганда, сув тақчиллик даврларда сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишимиз бугуннинг асосий талабларидан биридир. Суғориш тартибларига кўра 70-80 % тартибдаги вариантда 2-4 суғориш тизимида 6-маротаба суғорилиб, мавсум давомида 3449 м<sup>3</sup>/га меъёрида сув сарфланғанлиги аниқланди. Тажриба натижасига кўра маккажӯхорини етиштиришда оқова суви билан режим асосида суғорилиб 2725-3449 м<sup>3</sup>/га дарё суви иқтисод қилинди. 1 кунда 25-30 минг м<sup>3</sup> сувни ташламаларга ташлаб юборищдан кўра ундан самарали фойдаланишимиз орқали яхши натижаларга эришишимиз мумкин.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. The drip irrigation method is a guarantee of high yields JA Dustov, NS Xusanbayeva, MM Radjabova - IOP Conference Series: Earth and Environmental ..., 2022
2. NAUCHNIE OSNOVNI VLIVANIYA PODZEMNYIX ISTOCHNIKOV NA GODOVOY PRIROST RASTENIY V SOVREMENNIX PRIRODNYIX

USLOVIYaX ShR Axmedov, IN Tursunov, MM Rajabova - Ekonomika i sotsium, 2022

3. Sug‘orishda er osti suvlaridan ratsional va ekologik xavfsiz foydalanishning ilmiy asoslari (kungaboqar misolida) SR Axmedov, IN Tursunov, MM Rajabova, Sh Hakimov - Science and Education, 2022
4. Scientific basis of rational and ecologically safe use of groundwater in irrigation (in the case of sunflower) SR Akhmedov, IN Tursunov, MM Rajabova... - Global Scientific Review, 2022
5. Scientific basis of the effect of groundwater sources on annual plant growth in current natural conditions SR Akhmedov, XT Tuxtaeva, ZU Amanova... - IOP Conference Series: Earth and Environmental ..., 2023
6. Application of drip irrigation technology for growing cotton in Bukhara region B Matyakubov, D Nurov, M Radjabova, S Fozilov - AIP Conference Proceedings, 2023
7. SISTEMA PEDAGOGICHESKOY PODGOTOVKI OBESPECHENIYA BEZOPASNOSTI RABOTNIKOV PRI PROIZVODSTVENNOM PROTSESSSE MM Radjabova, XX Niyazov, S Ulmasov, A Zulfiev - Scientific Impulse, 2023
8. ANTHROPOGENIC LANDSCAPES AND PROSPECTS OF ECOTOURISM IN THE AREA OF THE BURGUNDY RESERVOIR. MM Radjabova, NR Davitov, AA Zulfiyev, S Shodiyev - Finland International Scientific Journal of Education ..., 2023
9. Scientific basis of the effect of groundwater sources on annual plant growth in current natural conditions SR Akhmedov, XT Tuxtaeva, ZU Amanova... - IOP Conference Series: Earth and Environmental ..., 2023  
<https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/1138/1/012034/meta>
10. ZAPASЫ PODZEMНЫХ VOD BUXARSKOY OBLASTI I IX EFFEKTIVNOE ISPOLZOVANIE MM Radjabova, A Zulfiev, M Ergashev - SOVREMENNAYA NAUKA I OBRAZOVANIE ..., 2023
11. NAUCHNIE OSNOVЫ VLIYANIЯ PODZEMНЫХ ISTOChNIKOV NA GODOVOY PRIOST RASTENIY V SOVREMENNIX PRIRODNIX USLOVIYaX ShR Axmedov, IN Tursunov, MM Rajabova - Ekonomika i sotsium, 2022
12. SUG‘ORILADIGAN MAYDONLARDA SUV RESURSLARIDAN (YER OSTI SUVLARIDAN) SAMARALI FOYDALANISHNI ILMIY

ASOSLASH (BUXORO VILOYaTI) R Mahliyo, A Go'zal - Uz-Conferences, 2023

13. BUXORO VILOYaTI YER USTI VA YER OSTI SUV RESURSLARI D Jaxongir, R Mahliyo, C Ravshan, R Nazokat - Uz-Conferences, 2023

14. BUXORO VILOYaTI BUXORO TUMANI GIDRODINAMIK HOLATINI YaXShILASH BO‘YICHa TAVSIYaLAR T X Toshevna, RM Mahmudovna, S Shodiyor - QIShLOQ XO'JALIGI VA GEOGRAFIYa FANLARI ILMiy ..., 2024

15. THE PRIMARY FEATURES AND INDICATORS OF SUBTERRANEAN WATER RM Maximovna, S Shodiyor, E Jo'rabek - PEDAGOG, 2024

16. REKOMENDATSII PO ULUCHShENIYu GIDRODINAMICHESKOGo SOSTOYaNiYa KARAVULBAZARSKOGo RAYONA BUXARSKOY OBLASTI RM Mahmudovna, A Boburjon... - International journal of scientific researchers (IJSR) ..., 2024.

